



Ishonch

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, 17 ноябр куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон Самарқанд шахрига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон 18 ноябр куни Ҳазрати Хизр мажмуғига ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти қабрини зиёрат қилди ва Ислол Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Ислол Каримов руҳи покига Қуръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг Самарқанд шахридаги Форумлар мажмуғида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон ўртасида музокара бўлиб ўтди. Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислол Каримов вафоти муносабати билан самимий ҳамдардлик йўллагани учун Туркия Президентига миннатдорлик билдирди. Режеп Эрдоғон Самарқандга ташриф буюриб, Юртбошимизнинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтиргани Ўзбекистон халқига юксак эҳтиром ифодасидир.

Ушбу ташриф Туркияда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият берилишидан далолат экани қайд қилинди. Таъкидлаш жоизки, Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган.

Ўзбек ва турк халқлари кўп асрлик умумий тарих, ягона тил ва дин, муштарак қадриятлар ва ўхшаш урф-одатлар билан бир-бирига чамбарчас боғланган.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Туркияга ўзининг муҳим ва узоқ муддатли ҳамкори сифатида қарашини, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ўзаро ишонч таъминлаш асосида ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

Режеп Эрдоғон Туркия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги устувор шерик деб билишини, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги ва иқтисодий тараққиёти изчил давом эттишига ишончи қомил эканини алоҳида таъкидлади.

Икки мамлакатнинг бугунги муносабатлари Ўзбекистон ва Туркиянинг имконият ва салоҳиятига мос эмаслиги, ушбу учрашув ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очиб масалаларни юзасидан батафсил фикр алмашиш учун қулай имконият экани қайд қилинди.

Музокарада Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш масаласи муҳокама қилиниб, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунозама маслаҳатлашувлар ташкил қилиш, халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаш тўғрисида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Ислол ҳамкорлик ташкилоти фаолияти доирасида Самарқандда Имом Бухорий халқаро тадқиқотлар марказини таъсис этиш таклифини илгари сурди. Томонлар ИХТнинг Туркиядаги Ислол тарихи, санъати ва маданияти тадқиқотлари маркази бу ташаббусни қўллаб-қувватлаганидан мамнуният изҳор қилдилар.

Сўхбат чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Туркия Ўзбекистоннинг аънаванави ва муҳим савдо шерикларидан биридир. 2015 йилда ўзаро савдо ҳажми 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу борадаги ўсиш суръатлари жорий йилда ҳам сақланиб қолиши кутилмоқда. Лекин томонлар қайд қилганидек, бу рақамлар мамлакатларимиз салоҳиятини акс эттирмайди. Бу миқдорни яқин йиллар ичида 2-3 марта ошириш учун етарли имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Туркиянинг 500 га яқин фирма ва компаниялари фаолият юритмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган Туркия сармояси ҳажми 1 миллиард доллардан ошади.

Сўхбат чоғида ушбу ташриф икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка янги суръат бахш этишига ишонч билдирилди.

Томонлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва чуқур қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, қadoқлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича мажмуалар барпо этишга, тўқимачилик ва терини қайта ишлаш саноатида замонавий қўшма корхоналар яратишга, хусусан, биргаликда пахта толаси ва тери хомашёсини чуқур қайта ишлаш орқали тайёр брандли маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқаришни йўлга қўйиш, фармацевтика соҳасида ҳамкорликка оид янги лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш масалаларини қўриб чиқдилар.

Туркиянинг етакчи туристик компания-

ларини жалб этган ҳолда Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилоятларида халқаро талабларга мос замонавий сайёҳлик мажмуалари барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

Транспорт коммуникацияларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. «Боку — Ахалкалаки — Қарс» темир йўлининг ишга туширилиши икки мамлакатни бир-бири билан боғлайдиган тўғридан-тўғри транспорт йўлини яратишдек стратегик аҳамиятга эга масалани ҳал этишда, бир-бирини, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлиши қайд қилинди.

Муҳокама қилинган масалалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ва Туркиянинг ўз олдида қўяётган мақсадларига эришиш учун келаси йил бошида Тошкент шаҳрида Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлисини ўтказишга, унинг доирасида Ўзбекистон — Туркия сармоявий форумини ташкил қилишга келишиб олинди.

Давлатлараро муносабатларда маданий-гуманитар ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Томонлар бу борадаги шерикликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Шавкат Мирзиёев ва Режеп Эрдоғон ушбу учрашув давомида эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтариб, ўзаро манфаатли соҳаларда ҳамкорликнинг янги саҳифасини очиб қилишига қатъий ишонч билдирилди.

Куннинг иккинчи ярмида олий мартабали меҳмон Имом Бухорий ва Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуалари, Амир Темур мақбарасини зиёрат қилди, Регистон майдонини кўздан кечирди.

Режеп Эрдоғон истиқлол йилларида Президент Ислол Каримов раҳнамолигида бу эзгу маканлар тубдан қайта таъмирланиб, мутлақо янги қиёфа касб этганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон аждодларимизнинг бой маънавий меросини тиклаш, ўрганиш ва дунёга танитишда юксак натижаларга эришаётганини қайд этди.

Шу билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг мамлакатимизга ташриф йакунига етди.

Анвар БОБОЕВ,
Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Давра сўхбати



Муносиб меҳнат дастури — амалда

Ўзбекистон касба уюмлари Федерацияси томонидан ижтимоий ҳамкорлар, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистон Республикасида Муносиб меҳнат дастурининг амалга оширилиши ҳолати ва истиқболлари» мавзусидаги давра сўхбати ўтказилди.

Унда мамлакатимиздаги вазирилик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар мутасаддилари, шунингдек, Халқаро касба уюмлари Конфедерацияси (ХКУК), Халқаро иш бериувчилар ташкилоти, БМТ Тараққиёт дастури, ЕҲТТ, ЮНИСЕФ ва Тошкент шаҳрида аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Давра сўхбати иштирокчилари таъкидлаганларидек, Ўзбекистон Республикаси ХМТ билан Муносиб меҳнат Концепциясини фаол илгари суришга кўмаклашишга қаратилган устуворлик касб этувчи кўпқиррали ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда. Мазкур ҳамкорлик ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандум ҳамда 2014 — 2016 йиллар учун Муносиб меҳнат бўйича Ўзбекистон Республикаси дастурини ўз ичига олган ҳуқуқий негизга асослангандир.

Муносиб меҳнат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида Ўзбекистонда муайян натижаларга эришиб келинмоқда. Хусусан, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий негизни янада такомиллаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар муваффақиятли амалга ошириляпти.

➤ (3).

Сайлов — 2016

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) миссияси узоқ муддатли кузатувчилари Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан МДҲ кузатувчилари миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш жараёнини кузатишда иштирок этади.

МДҲ миссияси кузатувчилари ўз фаолиятини бошлади

Марказий сайлов комиссиясида МДҲ Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи Евгений Слобода бошчилигидаги кузатувчилар миссияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Миссия раиси М.Абдусаломов меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясининг бориши билан таништирди.

Таъкидлаганидек, сайлов кампанияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунлар ва Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ ҳолда, очкилик ва ошкоралик шароитида ўтмоқда.

МДҲ миссиясининг узоқ муддатли кузатувчилари Ўзбекистон Республикасининг Президентлигига номзодларнинг сайловдаги ташвиқоти жараёни билан таништирилди. Сайловда ташвиқотини олиб боришда номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилгани қайд қилинди.

Учрашувда МДҲ кузатувчилари фаолиятини мувофиқлаштириш учун Тошкент шаҳрида Миссия штаби фаолият қўрсатиши ва кузатувчи ташкил этиш билан боғлиқ зарур тадбирларни ўтказиши таъкидланди. Сайлов жараёнининг бориши тўғрисида материаллар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш, сайлов қонунчилигини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, теле ва радиоканаллардаги ахборот дастурлари ва кўрсатувларни, шунингдек, босма оммавий ахборот воситаларини мониторинг қилиш, номзодларнинг сайловдаги ташвиқоти учрашувлар ўтказиш Миссия штабининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси шу пайтга қадар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислол ҳамкорлик ташкилоти миссияларининг 90 дан зиёд кузатувчисини аккредитациядан ўтказди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

САЙЛОВ — 2016

Сарвар Отамуратовнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 18 ноябр куни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.

Видеоконференция тарзида ташкил этилган учрашувни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига гурӯҳи раҳбари А.Сайдуллаев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Ш.Насимов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўзининг сайловдаги дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Тошкент вилояти мамлакатимизнинг саноати жадал тараққий этаётган ҳудудларидан. «Ўзбекистон металлургия комбинати», «Олмалик кон-металлургия комбинати», «Оҳангроцемент», «Оҳангарошифер», «Максам-Чирчик» каби акциядорлик жамиятлари, Янги Ангрен, Тошкент иссиқлик электр станциялари ва бошқа йирик саноат корхоналари мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 15 фоиздан ортиғи, экспортнинг 14 фоизи ушбу вилоят ҳиссасига тўғри келмоқда.

Дастурда тарихий, маданий, бой маънавий-ахлоқий қадриятлар ва аънавалар асосида жамиятга юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш ҳамда маънавий юксалишга эришиш масалаларига устувор аҳамият қаратилган. Номзод «Халқнинг маънавий руҳий тикланиши — иқтисодий ислохотларнинг негизидир» тамойили асосида Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги ошишида иқтисодиёт ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

Ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатларни қисқартириш, маҳаллий саноат самарадорлигини янада оширишнинг ҳуқуқий асосларини изчил такомиллаштириш, импорт ўрини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш орқали миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлардан муҳофаза қилиш, замонавий билим ва малакага эга муҳандис-техник, молия-иқтисод, корпоратив бошқарув менежерлари, ахборот технологиялари соҳасида дастурчилар тайёрлашни тубдан яхшилаш каби вазифалар илгари сурилган.

Миллий манфаатларни ҳимоялаш ва илгари суриш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, юксак маънавий-интеллектуал тараққиётга эришиш учун мамлакатни модернизация қилиш, хусусан, миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда «Хунарманд» уюмаси Олмалик шаҳар бўлими раиси М.Ўлмасова, меҳнат фахрийси Н.Жўрабоев, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят бўлими раҳбари Н.Қорабоева, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига Чиноз тумани кенгаши раиси Ш.Низомиддинов номзоднинг дастури ва унда белгиланган вазифалар ҳусусида фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

ЎЗА

Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашуви

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 18 ноябр куни Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг вилоят кенгаши раиси Э.Холматов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловдаги дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислол Каримов раҳнамолигида бошланган демократик ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий кудратини мустаҳкамлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган асосий йўналишлар белгилаб берилган. Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада тажрибадан ўтган бозор механизмлари ва корпоратив бошқарувнинг замонавий принципларини кенг жорий этиш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, қонунлар ижросини таъминлаш вазифаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожига учун янада қулай шароитлар яратиш, саноатни технологик янгилаш ва таркибий ўзгариштириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалигига замонавий агротехнологияларни жорий этиш, маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, аҳоли ҳаёт даражасини изчил ошириш, барча давлатлар билан ҳамкорликни ва мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш бўйича муҳим йўналишлар ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти Жиззах вилояти мисолида ҳам намойён бўлмоқда. Шаҳар ва туманларда янги корхоналар, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилмоқда. «Жиззах» эркин иқтисодий зонаси, Жиззах цемент

ЎЗА

Раёсат йиғилиши

Таҳлил ва танқид руҳида

Жизза вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилишида жорий йилнинг ўтган уч қорагини фаолият атрофида муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, касаба уюшмалари нуфузи меҳнат ахлининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлиги, оиласи, фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилиш, муносиб меҳнат шaroитини яратиш ишларидаги фаолиги билан белгилади. Ҳисобот даврида касаба уюшмалари томонидан ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш, жамоа-шартномавий муносабатлар орқали ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя


қилиш изчил давом эттирилди.

Касаба уюшма ташкилотлари, айниқса, бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш, касаба уюшма органлари раҳбарлиги ҳамда аъзоларига ёшлар ва аёлларни кенгроқ жалб қилиш, кадрлар малакасини ошириш ишларида жиддий эътибор қаратилди. Ходимларга қулай ва хавфсиз меҳнат шaroитини ташкил этиш борасида муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, камчиликлар ҳам мавжудли-

ги таъкидлаб ўтилди. Йилнинг ўтган даврида 118 та мурожаат кўриб чиқилди. Уларнинг аксарияти қаноатлантирилди, тушунтириш берилиб, тегишлилиги бўйича жойларга юборилди.

Ўтган даврда касаба уюшма аъзоларини соғломлаштириш мақсадида 1401 та санаторий йўлланмаси имтиёзли тарзда берилди.

Меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида миллий гоа тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини уюштириш, дам олишни сермазмун ўтказиш, тарбиявий ва ташвиқот ишларини ташкил этишда му-



айян ишлар амалга оширилаётган.

Танқид ва таҳлил руҳида ўтган йиғилишда сўзга чиққанлар кўрилган масалалар юзасидан ўз тақлиф ва мулохазаларини билдиришди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Халқаро ҳамкорлик

Юртимизда меҳмон бўлиб турган Жаҳон банкининг ижтимоий ривожланиш бўйича катта мутахассиси Санжай Агарвал Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши қошидаги Юридик клиника фаолияти билан танишди.

Юридик клиника — муаммага самарали ечим

Клиника фаолияти меҳмонда катта таассурот уйғотди. Бу ерда бўлиб ўтган мулоқотда бирлашма кенгаши юридик бўлими вакиллари, тренер ва волонтерлар иштирок этишди.

Мулоқот доирасида клиника волонтерлари фаолиятининг барча қирралари, хусусан, мурожаатларни электрон рўйхатга олиш тартиби, «Ишонч телефони» орқали бўлган мурожаатларни қаноатлантириш жараёни, йўлга қўйилган навбатчилик тизими хусусида маълумот беришди. Жаҳон банки вакили қабул қилинган мурожаатларнинг соҳавийлиги ва ҳал этилишидаги тезкорлик, бирор-та ҳам мурожаатнинг безътибор қолмаётганлигига юқори баҳо берди.

Жамоат ташкилотининг фуқаролар ҳақ ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш йўлидаги сайёҳаракатлари эътиборга моликдир, — деди Жаҳон банкининг ижтимоий ривожланиш бўйича катта мутахассиси С. Агарвал. — Мурожаатлар билан ишлашда самарали тизим яратилгани ва унинг янада кенгайтириб борилаётгани ибратга лойиқ ташаббус.

Меҳмон бирлашма кенгаши қошидаги ўқув маркази фаолияти, бу ерда муносиб меҳнат шaroитларини тарғиб қилувчи кўргазма ва шорлар, техник воситалар, тахсил тартиби билан ҳам таништирилди. Шундан сўнг, барча талаблар асосида жиҳозланган «Маънавий хонаси» да вилоят, шаҳар касаба уюшма ташкилотлари фаоллари билан суҳбат бўлиб ўтди. Унда сўз олган Санжай Агарвал касаба уюшмаларининг ҳуқуқий соҳадаги фаолиятини эътироф этиб, самимий ва очиқ мулоқот учун миннатдорлик билдирди.

Ўз мухбиримиз

Оилавий корхонанинг харидорғир маҳсулотлари



Нукус шаҳридаги «Оралбай Нукус» оилавий корхонасида тайёрланаётган темир дарвоза, эшик ва панжаралар сифати ва замонавий дизайни билан харидорларга манзур бўлмоқда.

— Мамлакатимизда яратилаётган кенг шaroит ва имкониятлардан фойдаланиб, 2014 йили хусусий корхона фаолиятини йўлга қўйдик, — дейди тadbиркор Памир Сержонов. — «Капиталбанк» қумаги билан жорий йилда корхонамиз ишлаб чиқариш қувватини ошириш имконини берадиган замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Келгусида маҳсулот турини

кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратишни режалаштирганимиз.

Ёш тadbиркор Памир Сержонов «Ташаббус — 2015» кўрик-танловининг Нукус шаҳар босқичида «Энг яхши хунарманд» йўналишида биринчи ўринга сазовор бўлган. Жорий йилда «Ёш тadbиркор — юртга мададор» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ғолиблигини қўлга киритди.

СУРАТДА: (чапдан) корхона раҳбари Памир Сержонов ишчи Мансур Давлатёров билан.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Соғлом она ва бола йилида фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири бўлган ижтимоий ҳимоя тадбирларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга» акцияси доирасида Камаш туманининг чекка қишлоқларида яшовчи эҳтиёжманд оилаларнинг 11 нафар бекасига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши совгалари бўлган электр-маиший техника воситалари топширилди.

Фаолиятимиз асоси

Бундан ташқари, Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан тумандаги таълим муассасаларида меҳнат қилган 37 нафар байналмилал жангчи, Чернобил ҳалокатини бартароф этишда иштирок этганлар ҳамда фахрий ўқитувчилар учун маданий-маърифий тadbир ташкил этилиб, улар эс-далик совгалари билан тақдирланди. Илгор ва фаол педагогларга эъзоз ва рағбат кўрсатиш тадбирлари ўқув йили якуни ҳамда анъанавий август анжуманида ҳам амалга оширилди.

Туманимиз чекка қишлоқларидаги кўмакка муҳтож оилаларнинг ишлаётган 50 нафар педагог ходимлари учун «Биз овоз ва обод юрт аёлларимиз» шиори билан Самарқандга саёҳат уюштирилди. Шунингдек, «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида 180 нафар ўғил-қиз имтиёзли, касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан, жамоа шартнома ва келишувлари орқали дам олдирилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни

муносабати билан тумандаги 4-Меҳрибонлик уйида ФХД бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси томонидан болажонларнинг маънавий янада юксалтирувчи китоблар топширилди. «Зиё чамалари» ороғоҳида дам олаётган иқтидорли 60 нафар болага қизиқарли китоблар совға қилинди. Шунингдек, тумандаги тўққизта мактабнинг 475 нафар бошланғич синф ўқувчисига санитария-гигиена воситалари жамланмаси тарқатилди. «Касаба уюшмалари — ёшларга» акцияси доирасида бир нафар эҳтиёжманд, иқтидорли талабага касаба уюшма стипендияси берилди.

Туманда ёшларнинг ҳар томонлама етуқ мутахассис бўлиб қамол топишига бўлган интилиши мунтазам кўллаб-қувватланаётган. Жумладан, «Йилнинг энг ёш фаол спорт мураббийи» танлови ўтказилиб, 7-умунтаълим мактаби жисмоний тарбия фауна ўқитувчиси Ўғилой Тожиева ғолиб бўлган эди. Унинг вилоят босқичидаги иш-

тироки ҳам бесамар кетмади. Қарши Олимпия захиралар коллежида ташкил этилган йирик тадбирда ёш мураббий тенгқурлари иш тажрибаси билан ўртоқлашди, ўзи учун янгидан-янги режаларни белгилаб олди.

— Гарчи, вилоят босқичида ғолиб чиқмаган бўлсам-да, кўллаб иқтидорли ҳамкасбларим иши билан танишдим. Спортнинг оммавийлигини ошириш, яхши натижаларга эришиш, чемпионлар тайёрлашда ҳамкорлик қилишга келишиб олдик. Танлов бизни янгидан-янги марралар сари руҳлантирди, — деди Ўғилой ўз таассуротини баён қилар экан.

Шунингдек, ҳаваскор велоспортчилар иштирокидаги «Касаба-тур» веломарафонига ҳам қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу йил тумандаги 19-умунтаълим мактаби ўқитувчиси Бахтиёр Исмоилов нафақат туман, балки вилоят босқичида ҳам энг яхши кўрсаткични қайд этиб, ғолибликни қўлга киритди.

Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан касаба уюшмалари томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис шоҳобчаларини ташкил этиш орқали коллеж битирувчилари учун бандлик дастури изчил амалга оширилди. Хусусан, тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан 10 та янги иш ўрини яратилиб, касб-хўнар коллежи битирувчиларининг бандлиги таъминланди.

Феруза АБДУРАҲМОНОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Камаш туман кенгаши раиси

Ўқув-семинар

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг Меҳнат муҳофазаси бўлими ташаббуси билан «Ўзметкомбинат» АЖнинг Ёшлар марказида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятига бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда «Ўзметкомбинат» АЖ ишчи-ходимлари, меҳнат муҳофазаси мутахассислари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакиллари ҳамда Бекobod шаҳар ва туманида фаолият кўрсатаётган касаба уюшма ташкилотлари фаоллари иштирок этди.

Тadbир аввалида «Ўзметкомбинат» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси Илҳом Курбонов янги тахрирдаги Қонун мазмун-моҳиятига тўхталиб, мазкур қонун ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда, меҳнат шaroитларини янада яхшилаш

Янги қонун омма эътиборида

ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб эътишига эътиборни қаратади.

Кези келганда, мазкур қонуннинг қабул қилинишида меҳнат қонунчилигини тартибга солиш соҳасидаги халқаро тажрибани ўрганиш, хорижий

ва тавсиялари инобатга олиниб, 20 дан ортиқ хорижий, жумладан, Европа иттифоқи мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг тажрибасига эътибор қаратилди. Семинарда Тошкент вилоти Меҳнат Бош бошқармаси давлат меҳнат техник инспектори Д.Йўлдошев, Ме-

таллургия соҳаси бўйича Республика кенгашининг бош мутахассиси М.Садуллаев ҳамда «Ўзметкомбинат» АЖнинг Меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи М.Ким маърузаларида қонунда давлат сиёсати ва бошқаруви қайта кўриб чиқилганлиги, меҳнат муносабатларининг иштирокчилари иш бе-

шунингдек, олдинги қонундан бир қатор афзалликлари ҳамда қулайликлари билан фарқ қилиши таъкидлаб ўтилди.

Қонунда меҳнат шaroитлари бўйича иш ўринларини шаҳодатлаш, меҳнат шaroитлари давлат экспертизаси талаблари ҳам киритилган бўлиб, бу ходимларга зарари ва хавфи меҳнат шaroитларида ишлаганилиги учун кафолатлар ҳамда компенсациялар берилишининг тўғрилигини белгилаш, ходимларнинг ҳақиқий меҳнат шaroитларини баҳолашда қўл келади. Жумладан, Қонуннинг 4-моддасида меҳнат муҳофазасида қўлланиладиган асосий тушунчалар кенг ёритиб берилган.

Очик мулоқот асосида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар.

Қаҳрамон ҲАЙТОВ,
Меҳнат муҳофазаси бўлими етакчи мутахассиси

4 декабр — Сайлов кўни

Муҳим сиёсий жараён

Ўзбекистонда демократик тамойилларга тўлиқ жавоб берадиган миллий сайлов тизими яратилган бўлиб, бу бевосита Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан боғлиқ. Сайлов қонунчилиги асосини инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган бир қатор халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган ва жаҳонда эътироф этилган муҳим демократик принциплар ташкил қилади. Хорижий мустақил экспертлар бугунги кунда Ўзбекистон сайлов қонунчилиги демократияга мувофиқлик даражаси бўйича кўллаб ривожланган давлатларнинг сайлов тўғрисидаги қонунларидан устундир, деган фикрни баён этаётганлиги кўп нарсани англатади.

395-сайлов участкаси «Бўстон» санаторийсида жойлашган бўлиб, Қибрай тумани «Навбахор» маҳалласи фуқаролар йиғини вакиллари ва санаторий ишчи-ходимларидан сайлов комиссияси аъзолари тузилган. Комиссия аъзолари сайловчиларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳақ ва эркинликларини кенг тушунтиришга, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, айниқса, биринчи марта овоз бераётган ёшларнинг сайлов қонунчилигидан хабардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Сайлов участкасида алоқа воситалари, компютер ва сайлов қўтилари, шунингдек, она ва бола хонаси ташкил этилган. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш хонаси керакли анжомлар ва дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланган.

Ш.КАРИМОВА,
«Бўстон санаторийси» маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

Шаҳсан ўзим овоз бераман!

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнат жамоаларида «Шаҳсан ўзим овоз бераман!», «Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз!» шиори остида туркум давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Шундай давра суҳбатларидан бири Республика шошилнинг тез тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё минтақавий филиалида ташкил этилди. 110 нафар тиббиёт ходимлари иштирокидаги Маънавият соатида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилоят бўлими раҳбари Ҳаётхон Ортиқбоева, «Оила» илмий-амалий марказининг вилоятдаги раҳбари Сабоҳат Зуннуова қатнашди.

Таъкидланганидек, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини демократик сайловларсиз тасаввур қилиш қийин. Сабаби, сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат ва ҳар қайси жамиятда инсонларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий қайфияти яққол намоён бўлади. Сайловларнинг белгиланган тартибда ўтиши маънавиятдаги ҳуқуқий меъёрлар қай даражадалигини намоён этиди. Бу кўп жиҳатдан фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ.

Хусусан, Бош Қомусимизнинг XXIII боби сайлов тизимига бағишланган бўлиб, унда фуқароларнинг сайлов ва сайланиш ҳуқуқлари кафолатланган.

Давра суҳбати асосида иштирокчилар ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдилар.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ватан келажигига дахлдорлик

Чуст қишлоқ хўжалик касб-хўнар коллежида «Менинг овозим Ватан келажигига дахлдор» акцияси доирасида сайловолди мулоқоти ўтказилди. Унда Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси З.Маҳмадова, туман тармоқ касаба уюшмалари кенгаши раиси, тумандаги мавжуд сайлов участкалари раислари, шунингдек, 250 нафардан ортиқ ёш сайловчи иштирок этди.

— Сайлов жараёнида билдирилаётган фикрлар билан танинар эканмиз, мамлакатимизда инсон манфаатлари устувор этиб белгиланганини англаш мумкин. Мулоқотлар чоғида сайловчилардан юрт келажигига дахлдорлик ҳиссини янада жўш урдириш, уларга керакли тавсияларини бериш ушбу акциянинг асосий мақсадидир, — деди кенгаш раиси З.Маҳмадова.


Мулоқот чоғида сайловга оид қонунчилик тўғрисида батафсил маълумот берилди. Сайлав ва сайланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган бўлиб, ҳар бир фуқаро бир овозга эга эканлиги таъкидланди.

— Илк марта сайловда иштирок этмоқдан, — дейди Насиба Акрамова. — Мулоқот асосида керакли маълумотларга эга бўлдим. Шунингдек, авваллари бўлмаган янгилик: ҳар бир сайловчоғи алоҳида тақлифнома берилишини эшитиб, ғурурландим. Өшитганларимни, сайлав борасидаги қонунчилик киритилган янгиликларини ота-онамга ҳам етказишга шошилмоқдам.

Акция доирасидаги мулоқотлар вилоятнинг барча туманларида уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ




Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 50-модда.

Пойтахтимиз кенг миқёсли ободончилик ва бунёдкорлик ишларидан янада чирой очаяпти. Саранжом-саришта кўчалар, хушманзара боғ-у гулзорлар кўрган кўзни яшнатади. Бунда, албатта, ободонлаштириш соҳаси ходимларининг хизмати катта.

Обод ва озода жойда барака бўлади



ОЗОДАЛИК ВА ФАРОВОНЛИККА ИНТИЛИШ, АТРОФ-МУҲИТНИНГ ФАЙЗЛИ ВА САРИШТА БЎЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ХАЛҚИМИЗ КУНДАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ ЭНГ МУҲИМ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНГАН. БУ ҚАДРИЯТЛАР КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЯНГИЧА МАЪНО-МАЗМУН БИЛАН БОЙИБ БОРМОҚДА. ЗЕРО, БУ САЎЙ-ХАРАКАТЛАР БУГУНГИ ВА КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРНИ ЖИСМОНАН ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ ЭТИБ ВОЯГА ЕТКАЗИШ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ВАТАНИМИЗНИ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД ЭТИШДЕК ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. АЙНИ ВАҚТДА АТРОФ-МУҲИТ БИЛАН ЖАМИЯТ УРТАСИДАГИ МУВОЗАНАТНИНГ БАЪЗИ ҲОЛАТЛАРДА БУЗИЛАЁТГАНИЛИГИ ҲАМ БОР ГАП. ЧУНКИ, АНА ШУ МУВОЗАНАТНИНГ БУЗИЛИШИ БОРА-БОРА ИЧИМЛИК СУВИ, БОҒ-РОҒЛАРНИНГ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИНГ СИФАТИГА ҲАМ САЛБИЙ ТАЪСИР ЕТКАЗИШИ МУМКИН. БИЗ НАФАҚАТ ЎЗ УЙИМИЗ, БАЛКИ ЯШАБ ТУРГАН КЎЧАМИЗ, МАҲАЛЛАМИЗ, ХАТТОКИ ШАҲРИМИЗ ОЗОДАЛИГИ УЧУН ҲАМ МАСЪУЛМИЗ. ХАЛҚИМИЗДА «БИТТА ДАРАХТ КЕС-САНГ, ЎН ТУП НИҲОЛ ЭК», ДЕГАН ХИКМАТ БОР. ҲАР БИР ИНСОН ЎЗ УЙИ АТРОФИ, КЎЧАСИ ОЗОДАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАША, БУТУН МАҲАЛЛА, ҚИШЛОҚ ВА ШАҲАРНИНГ, МАМЛАКАТНИНГ ФАЙЗУ БАРАКАСИ ОШАДИ.



Мамлакатимизда экологияга оид масалаларни қамраб олувчи қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари амал қилади. Жумладан, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Суви ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Чикиндилар тўғрисида»ги, «Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва бошқа қатор ҳужжатларда табиат объектларини муҳофаза қилиш ва мутаносиб фойдаланиш соҳасида давлат назоратини амалга оширадиган ваколатли органлар, айтиб ўтиш керак, давлат назорат тўғрисида олиб боришда фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топган.

Қонун назорат қилади

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиатдан фойдаланишга оид қарорларни ишлаб чиқишда таклифлар киритиш ва иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Зеро, идоровий ва ишлаб чиқариш экологик назорати хизматлари ваколатлари чегаралари ҳамда улар томонидан ўз вазифаларини рўйбга чиқариш қоидалари аниқ тартибга соладиган меъриёрий-ҳуқуқий ҳужжатга бўлган зарурат 4 бўлим, 27 моддадан иборат «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун қабул қилинишини тақозо этди. Мазкур қонун 2013 йилнинг 27 декабридан қучга кирган.

«Экологик назорат тўғрисида»ги қонуннинг ўзига хос жиҳати шундаки, миллий амалиётимизга жамоатчилик экологик назорати кенг кўламда татиқ этилди. Унинг субъектлари сифатида фуқаролар жамаияти институтлари ҳамда фуқаролар белгилаб қўйилди. Яъни жамоатчилик экологик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар томонидан амалга оширилади. Айнан Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Манаунавий низомда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг бу борадаги вазифалари белгиладди.

Жамоатчилик экологик назоратининг асосий вазифалари нималардан иборат? Аввало, Манаунавий низомда бундай назоратни амалга оширишда қонунийлик, холислик, мустақиллик, ошқоралик, шаҳс, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тамойиллари таъминлашни кераклиги алоҳида кўрсатилди. Жамоатчилик экологик назорати фаолиятини мувофиқлаштириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилди. Улар ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудудда атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширади. Нодавлат нотижорат ташкилотларига атроф-муҳит ифдосламини ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солувчи favулодда вази-муассаса ва ташкилот раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитишда ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилади. Экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашади. Бу, шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролли ва аҳамияти янада ошишига, жамоатчилик тузилмаларининг атроф-муҳит муҳофазасида ҳамда экологик вазиятни яхшилашдаги иштироки фаоллашишига хизмат қилади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

«Сочи қирилган» чимзор

Пойтахтимизда «яшил ҳудудлар», чимзорлар кўпайиб бормоқда. Аммо бундай гўзалликка доғ бўлиб тушган манзаралар ҳам борки, беихтиёр дилингни хижил қилади. Ям-яшил чимзор четидан бораётиб, тўсатдан ўртасидан кесиб ўтган «йўлак»ка кўзинг тушади. Қанча меҳнат ва маблағ чиппака чиққанига ачинасан.



Мутахассислар томонидан берилган маълумотларга кўра, 1 кг. яшил майса (25 кв. метр майдонни қоплайди) уруғининг нархи 65-70 минг сўми ташкил этади. 1 кв. метр «яшил майдон» бунёд этиш учун эса ўртача ҳисобда 12 минг сўм сарфланади. Ҳисоб-китобга юз бурсақ, 100 кв. метр майдонни майса билан қоплаш учун 1 млн. 500 минг сўмга яқин маблағ сарф этилади. Бунинг ёнига ишчиларнинг захматли меҳнати ҳам қўшалмиқ.

Озгина ҳафсаласизлик ва эринчоқлик туфайли тайёр йўлка қолиб, чимзорга «от солаётган»лар масаланинг бу тарафини ўйлаб кўришга зиён қилмасди.

Бундай қурилмиш ва ободончилик ишлари учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Бюджетнинг катта қисми сиз-у биздан олинадиган солиқ ва йиғимлар ҳисобидан шакллантирилади. Бундоқ йўлак кўрсак, атроф-муҳит ва йўлакларга, чимзорларга етказаятган зараримиз ўз чўнтагимизга зарар эканлиги ойдинлашмайди? Бундай ҳафса-

ласиз ва эринчоқ кимсалар бюджетнинг, яъни, умумий ҳаётиимизнинг шўрини қуритишгаётганини билишармикан? Дейлик, фарзандимизга олиб берган янги кийимини асраб-авайлаб кийишни, бунга қанча пул сарфлаганимизни таъкидлаб қўямиз. Боси, янги кийим — янги харажат дегани. Оилавий бюджетимизга эса ортиқча харажатнинг кераги йўқ. Худди шундай, давлат маблагини ҳам ҳудудда сарфлаб бўлмайди.

Сўнги йилларда янги ишчи олар ва «яшил ҳудудлар» барло этилиши авж нуктасига кўтарилмоқда. Шундай экан, борини қадрлаб, кўкаламзор утлоқларни, демакки, табиат ва гўзал манзараларни асраш сиз-у бизнинг қўлимизда. Масулиятни кўпроқ ҳис қилсак, фарзандларга экологик маданиятни болалигиданоқ синдириб борсак, юртининг обод бўлишига қўшган энг катта ҳиссамиз шу эмасми?

Дилафруз ХУШМАТОВА

Кўриб турибмизки, табиатга нисбатан ҳужасизларча муносабатда бўлиш атроф-муҳитдаги мувозанатнинг издан чиқишига сабаб бўлаёттир. Атмосферада иссиқлик газлари хаддан ташқари кўп миқдорда тўпланиши оқибатида дунё миқёсидаги барқарор иқлим жараёнларининг ўзгаришига олиб келмоқда.

Ҳаводаги хавф

Хуш, бизнинг фаолиятимиз иқлим ўзгаришига таъсир кўрсатадими, йўқми? Албатта, ҳа. Аввало, бу автомобиллардан чиқаятган захарли газлар, нефт, газ, кўмир ва ўтинни ёқиш оқибатида ажраладиган СО2, атмосферадаги азрозоқлар, цемент санаети, Шунингдек озон қатламининг юпқалашиши, ўрмонларнинг кесилиши ҳам иқлим ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, 1901-2012 йилларда ўртача глобал ҳарорат Целсий бўйича 0,89 даражага ортиган. Бу 1400 йил мобайнидаги энг юқори кўрсаткичдир. Хавотирли томони шундаки, бу жараён давом этиши башорат қилинмоқда. Яъни, 2016-2035 йилларда сайёрамизда ҳаво ҳарорати яна 0,3-0,7 даражага кўтарилиши эҳтимолдан холи эмас.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича Конвенциясини ратификация қилган. Ушбу Конвенция ижроси юзасидан юртимизда қатор тадбирлар бажарилмоқда. Ишлаб чиқаришга экологик соф механизмларни татиқ этиш, автомашиналарни экологик соф ёқилғига ўтказиш, қишлоқ хўжалигида тежамкор технологияларни қўллаш, мўқобил энергия манбаларидан фойдаланиш каби вазифалар шулар жумласидандир. Вазирлар Маҳкамасининг «2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича харажатлар дастури тўғрисида»ги қарори асосида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган иссиқлик газлари эмиссиясини камайтириш, нефт, газ, кимё, энергетика корхоналарини реконструкция қилиш, экологик соф энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича қатор лойиҳалар амалга ошириляёттир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Халқимизда ажойиб мақол бор: қўлдан кўён қочиб қўтирма. Бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилинган жойда ҳар қандай муаммага ечим топилиши тажрибадан маълум. Бинобарин, экомуаммолар ҳусусида аҳоли хабардорлигини ошириш, ёшлар ўртасида, иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари ҳусусида тушунтириш ишларини олиб бориш давр тақозосидир.

Наргис КОСИМОВА, журналист

Қуз бошлангиси ҳамон даррахт япроқлари тўкила бошлайди. Аслида, бу ҳам табиатнинг бир синови. Лекин супуриб сидирилган барглрнинг ёндирилганига кўзимиз тушиб қолади. Ажабо, бадебўй тутун ҳиди инсон саломатлигига қанчалар зарар етказиши барчага бирдек маълум-ку!

Саломатлик бекати

Шу масалада Яшнобод тумани Марказий поликлиникаси олий тоифали умумий амалиёт шифокори Наргис Солибоева билан сўхбатлашдик. — Ёндириб юборилган хазон таркибидagi захарли моддалар, ис гази ўпка тўқималарига кириб боради ва қон таркибидa кислород танқислигини келтириб чиқаради, — дейди шифокор. — Натижда, нафас олиш қийинлашади. Турли аллергик касалликлар кўзгалади. Аиникса, нафас йўллари хасталиклари билан оғриган инсонларнинг саломатлигига катта зарар етказиши мумкин.

Хазон тутуни ўсиб келаятган организм учун, аиникса, хатарлидир. Қон таркибидagi кислород танқислиги сабабли ёш организмда иммунитет пасайиб кетади. Бош миёга кислород етишмаслиги оқибатида ривожланишдан орқада қолиш, асаб тизимидagi ўзгаришлар, уйқучанлик, серзаралик кузатилади.

Даррахт барглари ёндирилиши оқибатида пайдо бўлган тутун ҳомилалар аёллар организмга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Хусусан, ҳомилаларликнинг биринчи уч ойлик даврида, айнан ҳомила шаклланаётган даврда кислород танқислиги сабабли турли тўғма нуқсонлар билан туғилиш хавфи кучаяди. Туғилажак фарзанднинг аллергик касалликларга мойиллиги ортади.

Ҳурматли газетхон, қисқагина сўхбат жараёнида салгина бепарволимиз саломатлигимизга қанчалик зарар етказишини билиб олдик. Шундай экан, келинлар, ўзимиз ва атрофимиздаги инсонлар саломатлигига зарар етказмаслик учун тўпланган хазонларни ёндиришга қатъиян чек қўйايлик.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА

Менда таклиф бор

Чикиндини қайта ишлаш — фойдали бизнес

Яқинда дунёнинг энг машҳур футбол клублари «Барселона», «Реал», «Бавария» нуфузли экологлар томонидан ташкил этилган хайрли акцияга қўшилишини билдиришди.

Экологлар «Nike» ва «Adidas» каби машҳур спорт брендлари билан ҳамкорликда чикиндилардан футболчилар учун махсус кийимлар ишлаб чиқишди. Спорт экипповкаларининг таркиби елим идишлар (ҳалқ орасида «баклажка» дея юритилади), синтетон ва денгиз чикиндиларидан ташкил топган бўлиб, футбол клублари ва эхорақат фаоллари дунё аҳлини шу тариқа мазкур муаммага юз каратишди.

— Мен Испаниянинг пляжи ҳудудларида улгайганман. Шу туфайли ҳам чикиндилар муаммосидан яхшигина хабар-



дорман. Мазкур акциянинг ўтказилишидан бағоят мамнунман. Спорт кийимлари океан чикиндиларининг қайта ишланмасидан яратилган. Бу океанлар ва табиатни қанчалик асраш кераклигини кўрсатувчи хайрли фаолиятдир, — деди «Бавария» футболчиси Хави Алонсо акцияга бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Nike» фирмаси 2010 йилдан бери 115 млн. донга яқин елим идишдан фойдаланган ҳолда спорт кийимлари ишлаб чиқарган.

«Барселона» футбол клуби мутахассисларининг маълумот беришига қараганда, ҳар бир футболчини яратиш учун 16 елим идиш сарфланган.

Дунёнинг ривожланган давлатларида чикиндиларни қайта ишлаш технологияси йилдан-йилга шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бу нафақат табиатни асраш учун хизмат қилади, шунингдек, фойдали бизнес ҳамдир.

Кўча-кўйда, чикиндихоналарда уйилиб ётган қайта ишлашга яроқли кўплаб махсуслотларни кўришимиз мумкин. Аиникса,

энергияни тежовчи лампаларнинг синган ҳолатда ётиши киши кўнглини хижил қилади. Бониси бундай лампаларни ишлаб чиқаришда ртут моддасидан фойдаланилади. Бу модданинг катта миқдори эса инсонни захарлаб қуватади эга. Бинобарин, ишдан чиққан энергия тежовчи лампаларни чикиндихоналарга ташлаб кетиш тавсия этилмайди. Улар учун махсус идишлар қўйиш вақти келди.

Бугунги кунда юртимизнинг деярли барча ҳудудларида чикиндини қайта ишловчи корхоналарга эҳтиёж катта. Руй-рост айтадиган бўлсак, бизнеснинг бу тури бизда тулиқ ривожланмаган. Корхоналар сони ҳам бармоқ билан санарли.

Шундай экан, мазкур турдаги корхоналар сони кўпайса, уларга берилган солиқ имтиёзларидан тулиқ фойдаланилса, ҳам табиатимиз, ҳам иқтисодиётимиз фақат фойда кўрган бўлар эди.

Сиёвш ЖУРАЕВ, И.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент филиали талабаси

Орасалик — эл-юрт фойз

Миробод туман ободонлаштириш бошқармасида меҳнат қилаётган 450 нафар ишчи-ҳодимнинг 250 нафардан зиёдини аёллар ташкил этади. Уларнинг самарали ишлаши учун барча шароит яратилган. Ҳодимларимиз махсус кийимлар билан таъминланган. Иш жараёнида янги замонавий технологиялар қўлланилади. Фаол ходимларга қўшимча иш ҳақи туланапти.

Бошқармаимизнинг фаолият қўлами жуда кенг. Баҳор ва куз мавсумида кўчаларга кўчат, гул ва райхонлар, гулхоналарга ландшафт кўринишида гуллар экиш, манзарали ва иғнабаргли дарахтларга шакл бериш, яшил майдонлар барпо этиш, тозалаш, таъмирлаш, жамоат транспорт бекатларини таъмирлаш, санитар холатини ўшлаб туриш каби вазифалар шулар жумласидан. Ушбу тадбирлар ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун қанча куч, харажат талаб этилади. Ходимларимиз иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, кўчаларга чиқиб меҳнат қилади.

Шундай экан, юртдошларимизга кўйидагича мурожаат қилмоқчиман: шахримизнинг гўзал ва мафтункор бўлиши фақат биз, ободонлаштириш ходимларига боғлиқ эмас. Бунинг учун Сиз-да ушбу хайрли ишларда фаол қатнашинг. Қўлингиздан келганча уйингиз, фаолият юрיתה қилган ишонангиз атрофига кўчат экиб, парваришланг. Атрофнинг озодлигига эътибор қаратинг. Кўчага чиқинди ташлаб кетаётганларга бепарво бўлманг. Тўғри тушунтиринг. Қилган ишдан ўзи уялиб, иккинчи бор бу ишга қўл урма-син. Узингиз ҳам дам олиш мас-канлари, истироҳат боғлари, баскетларда тозаланиш роя этинг. Зеро, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, иш олиб борсак-на, қўлланган мақсадга эришамиз. Натижда, шахримиз янада тароватли бўлиб, бундан-да гўзал кўйфа касб этади.

Жасурбек АБУЛҚОСИМОВ, Миробод туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиқ ўринбосари



Чилонзор тумани, «Катта хирмонтепа» маҳалласи ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлар орасидаги мана бу манзара фотомуҳбиримизнинг диққатини тортиди.

Яхшилар ёди

Эгу амаллар, савобли ишлар инсон умрини безайди. Таъбир жоиз бўлса, меҳр-муҳаббатга, самимиятга лиммо-лим қалб эгасигина бундай бахтга эришади.

Ўрта Чирчиқ туман «Нуроний» жамғармасига узоқ йиллар раҳбарлик қилган, эл-юрт фидойиси Файзулла Муталов шундай инсонлар сирасидан эди. Меҳнатсеварлиги, самимийлиги, эл юмушига камарбасталиги уни ана шу юксак мақомга эриштирди.

Умрбоқийлик

Ф.Муталов тарбия топган оила ҳақиқий фидойилар хонадони эди. Отаси, қишлоқ ҳўжалиги конюкери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Мутал Каюмов, онаси фидойи ўзбек аёли Ачагул ая 6 фарзандни вояга етказишди. Уша даврда бригада бошлиғи, жамоа ҳўжалиги раиси бўлиб ишлаган Мутал бобо тумандаги ботқоқлик, қамишзор ерларни ўзлаштириб, пахта етиштиришда жонбозлик кўрсатди. Болаларига ҳам меҳнатсеварлик, инсонийлик хислатларини сингирди. Яхши тарбиянинг ҳосиласи бўлса керак, кейинчалик оила вакилларида бири, Ф.Муталовнинг онаси Замира Муталова Меҳнат Қаҳрамони, машҳур пахтакор сифатида ном қозонди. Ана шу муҳит Файзулла Муталовнинг ҳам етук шахс сифатида камол топишида муҳим ўрин тутди.

1954 — 1959 йилларда Тошкент қишлоқ ҳўжалиги институтини (ҳозирги Аграр университетини) таълим олган Файзулла агроном мутахассислигига эга бўлди. Дастлаб иш фаолиятини Тошкент шаҳар ёшлар ташкилотиди йўриқчи вазифасида бошлади. Орадан уч-тўрт йил ўтган, ёш ва билимдон мутахассис ўзи туғилиб ўсган тумандаги ТошДАУга қарашли жамоа ҳўжалигига раҳбар этиб тайинланди. Отасидан олган сабоқлари ва олий ўқув юртида эгаллаган билимлари ҳўжаликни бошқаришида қўл келди. 1963 — 1975 йиллар давомида Ф.Муталов ушбу ҳўжаликни ҳар жиҳатдан ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

У амалий тажриба тўплаш билан бирга, илмий изланиш олиб боришни ҳам унутмади. Қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди илмий даражасига эришди. Ҳар томонлама сигналган тажрибали мутахассис 1975 йилда бошқа маъсулйатли ишга ўтказилди. У Қуйи Чирчиқ тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бош ҳосилоти лавозимида фаолиятини давом эттирди. Айтиш жоизки, Ф.Муталов бу вазифада 1993 йилга қадар ишлади. 1993 — 1996 йилларда эса Ўрта Чирчиқ тумани-

даги Навоий номли ширкат ҳўжалигига раислик қилди.

Файзулла Муталов қатор йиллар давомида Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати сифатида ҳудуддаги муаммоларни бартараф этиш бўйича фаоллик кўрсатди.

Файзулла ака олтимш ёшдан ошгач, туман кексаларининг сардорига айланди. 1996 йилдан туман «Нуроний» жамғармаси ижрочи директори, 2007 йилдан жамғарма раиси лавозимида иш олиб борди. Турмушининг паст-у баландини кўрган, одамлар кўнглига йўл топа олган бу инсон ташкилот ишини оқилона йўлга қўйди, давлатимиз томонидан кексаларни эъозлаш, уларнинг бой ҳаётий тажрибасини ёшлар маънавиятини шакллантиришга хизмат қилдириш борасида олиб борилаётган ишларнинг муваффақиятини таъминлашда фаол иштирок этди.

Файзулла акани жуда яқиндан билардим, — дея хотирларини тилга олади қасаба уюшма фахрийси Илдар Сайфуллин. — Савобталаб, инсонпарвар одам эди. Элга кўп нафи теккан. Пахтабод ҚФЙ ҳудудидаги Файзулла аканинг оиласи истикомат қиладиган уй шундоқ қаналнинг бўйида. Ушбу канални қазиш ишларига ҳам Ф.Муталовнинг ўзи бошчилик қилган. Раҳбарлик лавозимида ишлаган пайтлари қишлоқ йўлларига асфалт ётқиздирган, хонадонларга газ, электр ўтказдирган. Мактаб қурдирган. Буларнинг барчаси Ф.Муталовнинг тиниб-тинчимас, фидойи раҳбар бўлганлигини кўрсатади. Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси туман кенгаши раиси бўлиб ишлаган кезларим ҳамкорликда қўлмаб хайрли ишларни амалга оширганмиз. Ишончаларимиз битта бинонинг битта қаватида жойлашган. Ҳар куни кўришиб турардик. Унинг ишлаш услубини кўп кузатганман. Эрталаб келибқ кўнлик иш режасини тузарди. Уша куни мўлжалланган юмушларни охирига етказмагунча тиним билмасди. Файзулла аканинг ибратли бир фази-

лати — ёшми-каттами «сиз» деб муножаат қиларди. Байрамлар муносабати билан ҳомийларни жалб қилган ҳолда кексалар учун бир пиёла чой ташкил этар, уларга совғалар улашарди. Бемор ётган қарияларнинг уйларига бориб совғаларни топширарди. Кўпинча мени ҳам шу савоб ишларга шерик қиларди. Туманимиз ҳудуди катта бўлишига қарамай, кексаларнинг кўнглини олиш учун у чеккасида бу чеккасида бориб келишга сира эринмасди.

Баланд бўйли, истарали, юздан нур ёғилиб турадиган, ҳар тарафлама маданиятли Файзулла ака барчанинг кўнглидан жой эгаллаганди. Раҳбарлик салоҳияти баланд, халқни ортидан эргаштира оладиган, сўзамол, чуқур билим ва тажриба эгаси эди. Шунинг учун ҳам кўпчилик ундан маслаҳат олишга шошар эди. Асл деҳқон фарзанди, қишлоқ ҳўжалиги билимдон эмасми, баҳорда экин-тикин ишлари қизиган паллада у туман ҳокими билан бирга фермерлар даласини кезарди. Уруғ қадаш, сеякларни тайёрлаш, қатор ораллиги тўғрилигини кўздан кечириб, деҳқонларга маслаҳатлар берар эди. Фалла ўрими-ю пахта йиғим-теримида ҳам ана шу жонбозлигини қўймасди.

Файзулла Муталов умрининг сўнгига қадар ега меҳр қўйиб яшарди. Саксон ёшида ҳам бой билим ва тажрибаларини қўллаган ҳолда «Богбон Файзулла бобо» боғдорчилик ҳўжалигини бошқарди. Эътибор қилсангиз, ҳўжалик номи ниятда топиб қўйилган. Файзулла бобо чинакам ҳаёт боғбони, оила боғбони эди. Эгу ишлари билан одамлар қалбига яшапти. Шогирдлари унга муносиб издошлик қилмоқда. Комила ая билан бирга тарбиялаб ўстирган олти фарзанди ҳам турли соҳаларда меҳнат қилиб, жамиятга фойда келтирмоқда. Невара-чеваралари эса шундай инсоннинг авлоди эканлигидан фахрланишади. Умрбоқийлик дея шунга айтсалар керак-да.

Тўлқин ШЕРНАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига! Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ягона бюртмачи хизмати инжиниринг компанияси қўйидаги объект қурилиши бўйича пўдратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади!

1. «Қарши шахридаги ҳўжалик суди маъмурий биноси қурилиши». Объектнинг бошланғич нархи қўйилган қиймат солиғи билан бирга — 5.669.976.428 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 4.724.980.357 сўм, қурилиш муддати — 12 ой.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Марказлашган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

2. «Қашқадарё вилояти Қарши шахрида 3 қаватли пенсия жамғармаси маъмурий биноси (МТҚЗ билан бирга) қурилиши». Объектнинг бошланғич нархи қўйилган қиймат солиғи билан бирга — 2.017.821.789 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 1.681.518.158 сўм, қурилиш тўғалаш муддати — 8 ой.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бюртмачи: Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ягона бюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.

Манзил: Қарши шаҳри, Ўзбекистон овози газетаси кўчаси, 3-уй. Телефон: (0-375) 227-18-51, 227-13-51.

Танлов савдоларига фақат «Қурилиш — пўдрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига руҳсат берилди».

Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган объектлар бўйича бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдолари оферталар баҳоланиб, қўрсаткичлар тенг бўлганда, устулик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилди.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдориди айланма маблағларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қароланомасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мажмуудлигига, етарли касбий ва техник малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фўқролик — муомала ҳуқуқи лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пўдратчилари учун қўйидаги нарх преференциялари кўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қўнига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан овозд этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблана ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» кўмитасининг қурилишида танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича муножаат этиш мумкин: Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси, 60-«А» уй.

Тел./Факс: (0-375) 223-19-11, 223-27-33.

Бир тўпдам танлов ҳужжатларининг нархи — 90000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати оферталар очилиши кун ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган ҳундан бошлаб 30 кундан кейин Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 60-«А» уйда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МҶЖ бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Сусам» ҚФЙ ҳудудида фаолият юритаётган «SHAXZOD» фермер ҳўжалиги балансидаги жами 8,2 гектар ер майдонидаги жойлашган 750 тул ўрик дарахтларидан иборат «Богзор» савдога қўйилмоқда, бошланғич баҳоси — 1 436 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Қиррай тумани, «Дўрмон» ҚФЙ, «Дўрмон агро фойа» агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган «DO'RMON KURBANBAYEV AGR» фермер ҳўжалиги тегишли 1,38 гектар ер майдонидаги «Богзор» нинг бир қисми, яъни 0,70 гектар ер майдонида жойлашган «Богзор» савдога қўйилмоқда, бошланғич баҳоси — 8 556 000 сўм.

Очик аукцион савдоси 2016 йил 20 декабр кун соат 11:00 да Республика Биржа Маркази биносида бўлиб ўтади. Маъмур «Богзор»лар сотилмай қолган тақдирда тақрорий аукцион савдоси 2017 йилнинг 5, 20 январ кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истиғини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишуви» ни имзолагандан сўнг, биринчи объект учун бошланғич баҳосининг 50 фоизидан, иккинчи объект учун 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МҶЖнинг «Ипақ йўли» АИТЕ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни топшириши керак: - юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномаининг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганда қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганда қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Маъмур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш куниди соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-уй, 1-қават, 16-қаватда қабул қилинади ва 19 декабр кун соат 16:00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR — №0008.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МҶЖ 2016 йил октябр ойида ўтказилган очик аукцион савдолари натижаларини маълум қилади!

1. Тошкент вилояти, Қиррай тумани, «Дўрмон» ҚФЙ ҳудудида фаолият юритаётган «DO'RMON SAYDULLAYEV ULUGBEK» фермер ҳўжалиги балансидаги 9,97 гектар ер майдонида жойлашган «Богзор», бошланғич баҳоси — 3 570 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 4 641 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Қиррай тумани, «Дўрмон» ҚФЙ ҳудудида фаолият юритаётган «DO'RMON DOSJANOVA DINARA» фермер ҳўжалиги балансидаги 11,95 гектар ер майдонида жойлашган «Богзор», бошланғич баҳоси — 5 359 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 6 966 700 сўм.

3. Тошкент вилояти, Қиррай тумани, «Дўрмон» ҚФЙ ҳудудида фаолият юритаётган «DO'RMON DOSJANOVA DINARA» фермер ҳўжалиги балансидаги 11,95 гектар ер майдонида жойлашган «Богзор» бошланғич баҳоси — 10 073 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 13 094 900 сўм.

4. Тошкент вилояти, Қиррай тумани, «Дўрмон Агрофойа» ҚФЙ ҳудудида фаолият юритаётган «DO'RMON — ANMEDOV NIKMATILLA BOG'I» фермер ҳўжалиги балансидаги 10,99 гектар ер майдонида жойлашган «Богзор», бошланғич баҳоси — 2 492 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 3 239 600 сўм.

5. Тошкент вилояти, Қиррай тумани, «Тўзел» ҚФЙ, «Нормухамедов Агробизнес» агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган «MIRZAJALIL JAXON BOG'I» фермер ҳўжалиги балансидаги 0,883 гектар ер майдонида жойлашган 45 тул гилос ва 60 тул олма дарахтларидан иборат «Богзор», бошланғич баҳоси — 1 349 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 1 753 700 сўм.

Хизматлар лицензияланган RR — №0008.

МУАССИС:



2007-йил 11-январда О'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'monbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xalqar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chas, 24-uy E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri ta'biriyot nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDULARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Qodirova
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhili: S.Shodiyyeva
Sahifalovchi: H.Abduljalilov

Boshlaga topshirish vaqi — 21:40
Topshirildi — 23:20
1 2 3 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvidagi chop etiladi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 3 bosma taboq.
Buyurtma G — 1115.
13695 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133
Taqdimot xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001,
ATN «Inetex Bank» Yashobod filiali,
Bank kod: 00959, STIR: 201133B88, OKONX: 87100

AGROBANK Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги 2016 йил 16-ноябрда «Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг халқаро рейтингини «Барқарор» деб баҳолади www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган